
Ҳокимлик қабули: Ҳар бир мурожаат – эътиборда!

Бугун Бешариқ туман ҳокимининг навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Қабулда туман ҳокими Расулжон Жўраев туман Халқ қабулхонасида муаммоси ва мурожати бўлган фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлашиб, мурожаатларини бирма-бир тинглади.

Очиқ мулоқот тарзида кечган қабулда тумандаги мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида моддий ёрдам, ишга жойлаштириш, уй-жой қуришда ёрдам бериш, қишлоқ йўлларини таъмиrlаш ва кадастр ҳужжатларини тайёрлашда ёрдам бериш билан боғлиқ бўлган мурожаатлар тингланди ва ун бешдан ортиқ мурожаат жойида ижобий ҳал этилди.

Вақт талаб этиладиган мурожаатлар бўйича тегишли ташкилотлар мутасаддилари иштирокида зарур чоралар кўрилиши, ҳар бир мурожаат асослича ўрганилиб чиқилиб, қонуний йўл билан ечимини ҳал этилиши назоратга олинди.

Бешариқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2023-11-27 08:07:44